



TA'LIM

TEXNOLOGIYALARI



Бу сонда:

Э.З. Имомов, А.Э. Имомов, Б. Маҳмудов
**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИНИ АМАЛГА
 ОШИРИЛИШИННИГ МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ.....**2

М. Халикова
**ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ
 СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ.....**6

Ў.Саидов, М. Шодмонова, О. Хайтова
**АДАБИЁТ УҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ
 ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ МЕТОД ВА
 ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....**20

F. Салоҳиддинова, Н. Қайтарова
**ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ ФАНИДАН
 ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЯРТИЛГАН
 ДАРС ИШЛАНМаси.....**48

2011 йил учун обуна давом этмоқда. Журнал 3 ойда бир марта чоп этилади.
Обуна бўлиш учун почта алоқасига
ёки матбуот тарқатиш бўлимларига
мурожаат қилингиз мумкин.


Нашр индекси - 1119

Мақолалар электрон почта орқали қабул қилинади:
E-mail: tt-jurnal@mail.ru toshkent_moi@uzedu.uz tvxtpxqtmoi@mail.ru



“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” ТАҚДИМ ЭТАДИ

Хурматли ёшлар! “Янги аср авлоди” инсоннинг руҳий дунёсини ранг-барангликда акс эттирувчи, ҳаётнинг барча жабҳаларида қўл келувчи, кўхна ва замонавий адабиёт дурдоналарини қамраб олган маънавий хазина – китобларни нашр этмоқда. Ушбу тухфалар сиз, навқирон ёшларнинг мутолаага қизиқишингизни ортириб, маънавий дунёнгизни бойитишга яқиндан қўмак беради, деган умиддамиз. Зотан, китобга оинно кўнгил эгаларидан муносиб ўғлонлар етишиб чиқади...




Алишер НАВОЙИ, “ХАМСА”

(Насрий талқин)

Мазкур китобда Алишер Навоий “Хамса”сидаги барча достонларнинг мазмуни қисқартириб баён қилинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, кириш қисмлари, айрим манзаралар, монологлар бироз қисқартирилган. Ушбу китобча Навоий достонларини насрий матнда ўқиб, аллома шоиримизнинг шеърий достонини ҳам мутолаа қилингизга имконият яратади, деб ўйлаймиз.

Қисқартириб нашрга тайёрловчи: Анвар Ҳожиаҳмедов.
Масъулмуҳаррор: Баҳоб Раҳмонов



Худойберди ТЎХТАБОЕВ

“САРИҚДЕВНИМИНИНГ”

Ҳошимжон зийрак, серфаҳм, чақон бола. Аммо у қандай ишга қўл урмасин, кулгили ва мушкул вазиятта тушиб қолади, ўз қилимишларидан дакки ейди. Бу даккиларнинг асл сабаби қаҳрамонимизнинг яхши ўқимаганида, ҳали ўзи тайёр бўлмаган ишларга қўл урганида. Хўш, Ҳошимжон Рўзиевнинг бу хилдаги “ғоз чираниш”ларин ташлаб, ёт мұхитдан ўзининг асл вазифаси – ўқишини давом эттиришга нима учун қарор қиласини билмоқчимисиз? Унда мазкур асарни ўқиб чиқишингизни тавсия қиласиз.



“КАСБ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ”

“Мен келажакда ким бўламан ва ниманинг ҳисобига яшайман? Ҳаёт йўлим қандай кечади?..” Сизни шундай саволлар қизиқтириши табиий, шундай эмасми? Тақдим этилаётган китобимиз айнан шу ҳақда. Муҳими, у ўқувчи учун қулай ва оммабол тилда ёзилган. Талай тавсиялар берилган. Мазкур китоб ҳаёт бўсағасида турган ёшлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қиласи, деб умид қиласиз.

Анвар ЖАЛОЛОВ

Anvar Jalolov

KASB
QANDAY
TANLANADI

Muvaffaqiyatga erishmoqchi bo'lganlar uchun

- Foydalanuvchiga qarabli surʼati
- Kursi nisbati va qurʼaniy shartlari
- Kursi kamida uchun surʼat va foydali mestashollar
- «Qadidkoz» kuchni va boshqalarning aʼlomasi
- Oʻs qobiliyatning va qiziqishini oʻsishiga shart
- 900 dan ortiq soʼlmon surʼati



Муассис:
Тошкент вилояти педагог кадрларни
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кӯчаси, 64
Телефон: 255-33-07, 255-33-28 Факс: 255-37-78

“ТА’ЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”

П.Ж. Чиникулов – редактор
Р.Р. Нафасов – технический редактор
З.А. Байметова – дизайнер

Отпечатано в ООО “Ёшлилар матбуоти”, г.Ташкент, Чиланзар ул. Катортал, 60.
Подписано в печать 05.07.2010 г. Тираж 700 экз. Заказ № 130. Тел.: 278-31-37

Индекс 1119

Та'lim texnologiyalari 2011

“Таълим технологиялари” илмий-услубий журналида чоп этилаётган асосий мақолалар ва материаллар қўйидагилардан иборат:

- Таълим тизимиға янги педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиши муаммолари;
- илгор педагоглар томонидан яратилган илмий ва ўқув-услубий ишлар ҳақида маълумотлар;
- таълим муассасаларида ўқув амалиётини амалга ошириш механизмларини жорий этиши муаммолари;
- индивидуал ва табакалаштирилган таълим бериш шакл ва услублари ҳақида ахборотлар;
- хорижий педагогик технологиялардан наъмуналар;
- таълим-тарбия жараёнига ДТС ни жорий этиши усуллари ва муаммолари;
- кадрлар малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлаш тизимида олиб борилаётган изланишилар ва муаммолар;
- узлуксиз таълим жараёнидаги илгор педагогик тажрибалар эришилган педагогик ютуқлар ҳамда таълим технологиялари билан боғлиқ бўлган мақолалар (ўзбек ва рус тилларида).

“Таълим технологиялари” журнали - барча педагогларнинг журналидир.

Бу Сизнинг журналингиз.

Сиз факат “Таълим технологиялари” журналида янги педагогик технологиялар ва машғулотлар ишланмаларини, услубий материаллар ва тавсияларни тонишингиз мумкин.

2011 йилга “Таълим технологиялари журнали”га обуна бўлишни унутманг.

Нашр индекси :

1119 – якка обуначилар учун

1120 – корхона ва ташкилотлар учун

Таҳфирият



2005 йилдан нашр этилади. Бир йилда 4 маротаба чоп этилади

TA'LIM TEXNOLOGIYALARI

Ilmiy - usiubiy jurnal

№ 2 - 2010

Журнал таркиби:**Бош мұхаррир****Журналдың хайъатининг раиси:****П.И. Қаландаров****Бош мұхаррир ўринбосарлари:****Х.М. Алимов****М.К. Холиқова****Б.Махмудов****Журналдың көмекшілік мүшкіндері:****С.Р. Алиев****А.Д. Абдукаримов****А.А. Шереметова****Л.А. Мавлянова****А.А. Йұлдашев****А.А. Сайдов****М.Ш. Шодмонова****О.Х. Хайтова****Л.А. Коробейникова****Ю.Д. Шевкопляс****А.Тохириён****М.Холмурадова****Р.А. Мавлянова****Л.В. Гасанова****П.А. Применение****дифференцированного подхода в работе над ошибками - за-****лог повышения орфографической зоркости учащихся.....****УМУМИЙ ҮРТА ТА'ЛИМДА ИНТЕРГРАЦИЯ****3. Насретдинова****«Ролли ўйин» методи ўқувчиларнинг ҳәетий кўнималарини шаклланти-****рувчи омилдир****Ф.Н. Аскарходжаева****Принцип наглядности как один из основополагающих правил обучения****иностранных языков в школе.....****ИЛМИЙ ХАБАРЛАР****С. Азимбаев, У. Чоршанбаев, Н.А. Рассоқова, М.С. Юсупова****Ғўза қатори хато бўлган жойларни органо-минерал тувакчаларда етиш-****тирилган кўчатлар билан тўлдириш технологияси.....****Р.С. Джуманиязова****Применение новых информационных технологий на уроках.....****И. Туррапов, Г. Содикова, М. Сейтекова, М. Юсупова****Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида Африка таригини****ўстириш технологияси.....****Р.Ж. Юлдашева****Передовые технологии и проблемное обучение на уроках русского языка.....****С.Р. Аликулов, М.Т. Рўзметова, А.А. Салимов****Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари****хамда ечимлари.....****ТА'ЛИМНИНГ ИЛГОР УСЛУБЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ****П.Р. Исматуллаев****Метрология - ўлчашлар ҳақидаги фаннинг ривожланиш босқичлари....****Д. Пўлатова****Бошлангич таълимда педагогик технологияларнинг ўрни.....****Ғ. Салоҳиддинова, Н. Қайтарова****Педагогика назарияси ва тарихи фанидан педагогик технология асосида****яратилган дарс ишланмаси.....****Памятка-Эслатма.....****БИЗНИНГ ЮБИЛЯР****П.Р. Исматуллаев - 70 ёшда.....****МУНДАРИЖА****МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ТАКЛИФЛАР****Э.З.Имомов, А.Э. Имомов, Б. Махмудов****Мустақил таълим парадигмасини амалга оширилишининг методик жиҳатлари.....****2 М. Халикова****Приоритетные задачи современного образования.....****6 М. Абдукаримов, М. Ширинбаева****Математика - информатика фанини ўқитиш жараёнида иқтисодий таъ-****лим ва тарбия беришнинг аҳамияти.....****8 Р.А. Мавлянова, М.Ф. Лёвкина****Особенности интегрированного обучения в начальных классах.....****11 ТА'ЛИМДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ****У.А. Йўлдашев****Малаки кадрлар тайёрлашда масофали таълимнинг педагогик -****психологик хусусиятлари.....****14 И. Макухина****Особенности использования интеграции в педагогических технологиях****школьного образования.....****17 ТА'ЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ****Ў. Сайдов, М. Шодмонова, О. Хайтова****Адабиёт ўқитувчилари малакасини оширишда таълимнинг метод ва****шаклларидан фойдаланиш имкониятлари.....****20 Л.А.Коробейникова, Ю.Д. Шевкопляс****Понятие о новых технологиях обучения.....****22 МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР****А. Тохириён, М. Холмурадова****Ўқувчилар тарихий оғнини шакллантиришда аждодлар мероси ва****ғояларининг аҳамияти.....****26 Р.А. Мавлянова, Л.В. Гасанова****Применение дифференцированного подхода в работе над ошибками - за-****лог повышения орфографической зоркости учащихся.....****28 УМУМИЙ ҮРТА ТА'ЛИМДА ИНТЕРГРАЦИЯ****3. Насретдинова****«Ролли ўйин» методи ўқувчиларнинг ҳәетий кўнималарини шаклланти-****рувчи омилдир****31 Ф.Н. Аскарходжаева****Принцип наглядности как один из основополагающих правил обучения****иностранных языков в школе.....****33 ИЛМИЙ ХАБАРЛАР****С. Азимбаев, У. Чоршанбаев, Н.А. Рассоқова, М.С. Юсупова****Ғўза қатори хато бўлган жойларни органо-минерал тувакчаларда етиш-****тирилган кўчатлар билан тўлдириш технологияси.....****34 Р.С. Джуманиязова****Применение новых информационных технологий на уроках.....****35 И. Туррапов, Г. Содикова, М. Сейтекова, М. Юсупова****Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида Африка таригини****ўстириш технологияси.....****37 Р.Ж. Юлдашева****Передовые технологии и проблемное обучение на уроках русского языка.....****39 С.Р. Аликулов, М.Т. Рўзметова, А.А. Салимов****Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари****хамда ечимлари.....****41 ТА'ЛИМНИНГ ИЛГОР УСЛУБЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ****П.Р. Исматуллаев****Метрология - ўлчашлар ҳақидаги фаннинг ривожланиш босқичлари....****44 Д. Пўлатова****Бошлангич таълимда педагогик технологияларнинг ўрни.....****46 Ғ. Салоҳиддинова, Н. Қайтарова****Педагогика назарияси ва тарихи фанидан педагогик технология асосида****яратилган дарс ишланмаси.....****48 Памятка-Эслатма.....****50 БИЗНИНГ ЮБИЛЯР****П.Р. Исматуллаев - 70 ёшда.....**

Таълим самарадорлигини ошириш

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ МЕТОД ВА ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ў.Сайдов—Тошкент вилояти ПКҚТМОИ
«Тил ва адабиёт таълими» кафедраси
катта ўқитувчиси

М.Шодмонова – Т.Н. Қори Ниёзий
номидаги ЎзПФИТИ аспиранти

О.Хаитова – Навоий ДКИ ижтимоий
фанлар кафедраси доценти, т.ф.н.

- *Мақолада адабиёт ўқитувчиларининг ўз касбий фаолиятларини ташкил этишига ижодий ёндашиши, мустақил билдириганини күнилмаларини ривожлантириши каби масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, мактаб адабиёт ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириши йўллари ҳақида амалий тавсиялар берилган.*
- *В статье обращено внимание на вопросы индивидуального получения знаний и творческого подхода в организации профессиональной деятельности учителей литературы. Также даны практические советы повышения профессионального мастерства школьных учителей литературы.*
- *In the article it was paid attention to questions of Individual getting of knowledge and creative approach in organization of professional activity by teachers' of literature. Also it was given practical advice of increasing professional skills of school literature teachers.*

Ёш авлоднинг хар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши ва ижтимоий ҳаёт қийинчиликларини мустақил енга олишларида мактаб адабиёт ўқитувчиларининг ўрни ва роли бекиёсdir. Шу боис адабиёт ўқитувчиларининг мактабда адабиёт дарсларини ташкил этишида самарадорликка эришиш имкониятини берувчи педагогик, методик шарт-шароитларни тадқик этиш ва уларнинг касбий малакаларини ошириш имкониятини баҳолаш мақсадга мувофик. Зеро, хар бир ўқитувчи ўз мутахассислик фани билан бир каторда ўзининг педагогик, психологик ҳамда методик билимларини доимий раввишда, изчил бойитиб бориши, шунингдек, комил инсон ва малакали мутахассисни тайёрлашдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш йўлида алоҳида фаоллик кўрсатишга интилиши зарур.

Мактабларда соғлом ижодий муҳитни яратиш, соғлом авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда фаол иштирок этувчи адабиёт ўқитувчиларининг ўз устида мунтазам ишлашлари ва касбий малакаларини ижтимоий-педагогик, методик талабларга мувофик доимий раввишда ошириб боришлирида малака ошириш тизими алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, дарс мураккаб ижодий жараёндир. Унинг фаоллиги кўп жиҳатдан таълим олувчиларининг фаол иштирокига боғлиқ. Таълим жараёни иштирокчилиларини фаоллаштириш эса, ўз навбатида, таълим жараёни ташкилотчиси – бошқарувчисидан катта меҳнат ва алоҳида эътибор талаб килинади. Таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни жамият

янгиланиши билан бевосита боғлиқ. Шу жумладан, нафакат ўқитувчи, балки катталарни ўқитиш учун хам такомиллаштирилган, янги маълумотлар билан бойитилган бой назарий билим, амалий ҳаракат талаб этилади.

Адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш мавжуд ўқув-мавзу режа ва дастурлар асосида амалга оширилса-да, таълим мазмуни бевосита таълим берувчидаги хам, таълим олувчидаги хам кўйидаги омиллар бўлишини талаб этади:

1. Ижодкорлик.
2. Кузатиш.
3. Қобилият.
4. Мустақил таълим олиш.
5. Нотиқлик.
6. Натижаларни тўғри таҳтил этиш.
7. Киёслаш.
8. Такқослаш.
9. Объектив вожеликка муносабат билдириш.

Ибн Синонинг карашларига кўра, таълим олувчи билими асосида мантикий фикрлаш, шахсий кузатиш ва тажриба ётади. Аллома таълим-тарбияда эркинлик бўлишига эътибор қаратган. Эркинлик ўз-ўзидан тафаккур мустақиллигини таъминлайди, фикр кишисини тарбиялайди, шахснинг маънавий камолотига сабаб бўлади. Олим устоз шогирдининг айрича хусусиятларини инобатга олиши, уларни ўзининг билимдонлиги, шахси билан қизиктириши, таълимнинг турли методларидан фойдаланиши керак, деб хисоблаган. Билимларни болалар туйгулари оркали хиссий ўзлаштириши учун ўқитувчининг хар бир

• Таълим самарадорлигини ошириши

сўзи имо-ишора ва юз харакатлари билан мос бўлиши кераклигини таъкидлаган. Фикрлаш хусусида сўз юритиб, унинг мантинка асосланиши лозимлигини айтган. Унингча, мантинк фикрлашнинг куролидир. Борликни англаш мантинка асосланиши кераклигини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган [1].

Маълумки, инсон катта бўлгани сари уларнинг ҳаётий тажрибалари ортади, олган билимлари чукурлашади, тасаввур доираси кенгаяди. Шунинг учун катталар таълимида нарса-ҳодисаларнинг майда деталларига камрок тўхталиш керак бўлади. Бунга қанча кам тўхталинса, умумлаштиришга, тушиунчаларни таҳлил килишга шунча тез ўтиш зарур бўлади. Фақатгина андрогог тингловчиларда бунинг учун зарур бўлган билимлар етарли эканига, ўрганилаёган ҳодисага хос бўлган майда деталлар аввалги боскичларда ўзлаштириб олинганига амин бўлиши керак. Таълим берувчининг вазифаси тингловчига алоҳида нарса ёки ҳодисада умумни кўра билишига ва уни онгли равишда ўзлаштириб олишига кўмаклашишдир.

Адабиёт дарсларини ташкил қилишнинг психологияк-дидактик шартларини таълимнинг метод ва шаклларидан ўринли фойдаланиш ташкил этади.

Малака ошириш курсларида адабиёт ўқитувчиларида ўкув фаолигини юзага келтириш ва уларда адабиёт дарсларини тўғри, самарали ташкил этиш кўнинма ва малакаларини шакллантиришга хизмат килувчи таълим турларидан яна бири – бу **интерфаол таълим** саналади.

Хозирда интерфаол («*inter*» – «*ўзаро*») таълимдан фойдаланиши тобора оммалашмоқда. У таълим субъектлари – таълим берувчи, таълим олувчи ва таълим олувчилар гурухи ўртасида юзага келувчи ҳамкорлик, кизгин баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмасиши асосида ташкил этилади, тингловчиларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккilanмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда тингловчиларнинг ўзаро якинликларини юзага келтириш, «таълим берувчи – таълим олувчи – таълим олувчилар гурухи» ўзаро бир-бирларини хурмат килишлари, тушунишлари ва қўллаб кувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Юкоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкини, интерфаол таълим – бу «**таълим берувчи – таълим олувчи – таълим олувчилар гурухи**» ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфирлик ва ҳамжихатликка асосланувчи таълим шакли бўлиб, ўкувчилар томонидан ўкув материалларининг тезкор ва самарали ўзлаштирилишини таъминлайди.

Интерфаол таълим методларидан адабиёт ўқитувчилари баҳс-мунозаралар, муаммоли вазиятларни ҳал килиш, тренинглар, ролли ўйинлар, дебатлар, интервью, такдимот (ёки химоя) ва бошқа ўзига хос шартларга эга интерфаол методлар билан етарли даражада таниш бўлишлари максадга мувофик.

Адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида мазкур методлардан фойдаланиш адабиёт ўқитувчилари томонидан адабиёт дарсларининг моҳияти, мақсади, тамойиллари ва йўналишлари борасида пухта билимларга, шунингдек, фаолиятни тўғри режалаштира олиш, муайян тадбиirlарга оид технологик харита ёки лойиҳаларни ишлаб чикиш бўйича касбий кўнинма ва малакаларга эга бўлиш имконини беради.

Дарс шакли. Адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараённида **дарс шаклини** аниклаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўкув материалининг мазмуни, ҳажми, дарснинг ўз олдига кўйган мақсадлари ва ўкувчилар имкониятларига нисбатан кийинлик даражасини белгилаш; материалининг ўкувчи ҳаётий тажрибаси, илгари ўзлаштирган билими ва аклий-амалий фаолияти билан алокасини ўрнатиш; ўкувчининг мустакил ишлари ва ўкув топшириклари тизимини аниклаш; дарснинг жиҳозларини, ахборотларнинг асосий ва кўшимча манбаларини ўрнатиш кўзда тутилади.

Дарснинг кўрининши. Адабиёт ўқитувчиларининг малакасини оширишда **дарснинг кўрининшини** белгилаш ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда дарснинг барча мақсадларини амалга оширадиган дидактик топшириклар белгилаб олишиниши лозим бўлади. Ўкиш ва ўзлаштириш ишларининг кийинлик даражаси тингловчини мураккаб интеллектуал холатга солиниши, шу билан бирга, ечими уларнинг мустакил излашнишлари, имкониятлари ва фаолиятлари даражасида бўлиши керак. Ўкув материали дарснинг мақсад ва мазмунига, ДТС ва ўкув-мавзуу режа ва дастур талабларига, дидактик вазифаларга мос тушадиган метод ва усуллар орқали ўзлаштирилиши зарур [2].

Малака ошириш тизимида **дастурлаштирилган таълимдан** фойдаланиши тингловчиларнинг ички эҳтиёжлари, кизикишлари, улар ўз касбий фаолиятларини ташкил этишда дуч келаётган муаммолар, шунингдек, адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражаси ҳамда мавжуд имкониятларни иnobatiga олган ҳолда ташкил этилади.

Тренинглар. Малака ошириш жараённида адабиёт ўқитувчиларида дарсларни ташкил этиш борасидаги кўйидаги кўнинма ва малакаларни шакллантиришда тренинглар ўзига хос аҳамиятга эга:

- ✓ зарур ўкув-методик ҳужжатлар (иш режаси, хисоботларни юритиш);
- ✓ ўкувчиларда шахслик фазилатларини қарор топтириш;
- ✓ ўкувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш;
- ✓ ўкувчиларга асардаги қаҳрамонлар образи орқали эзгу хулқ ва фазилатларни сингдириш;
- ✓ дарс жараённида учрайдиган муаммоли вазиятларни бартараф этиш чораларини топиш;
- ✓ таълим жараённи самарадорлигини ошириш бўйича педагогик, методик кўрсатмаларни ўзлаштириш;

• Таълим самарадорлигини ошириш

- ✓ таълим субъектлари, жамоа аъзолари ва бошқалар билан юзага келадиган кутилмаган вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини билиш;
- ✓ ўкувчиларнинг қизиқиши, лаёқат ва қобилиятларини инобатга олиш асосида уларни муайян касб ёки хунарларга тўғри йўналтириш;
- ✓ самарали таълим методлари ва илғор педагогик технологиялардан касбий фаолиятда фаол фойдаланиш;
- ✓ шахслараро муносабатларни ҳамда адабиёт дарсларини самарали ташкил этишга, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигиги ривожланишишга ёрдам берувчи тренинглар ташкил этиш.

Хулоса. Малака ошириш жараённида адабиёт ўқитувчиларини долзарб педагогик, методик муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, адабиёт дарсларини ташкил этиш бўйича илғор тажрибалар билан таништириш, шахсни ўрганиш ҳамда унинг ривожланишини таъминлашда тақдимот (ёки химоя) методидан фойдаланиш ҳам кутилган натижаларни кўлга киритиш имконини беради. Бундай тақдимот шаклида тингловчилар то-

монидан тайёрланадиган малака ишларининг курси якунидаги химоясини ўтказиш яхши натижа бериши тажриба-синовда исботланди.

Мазкур методлар адабиёт ўқитувчиларида ўз касбий фаолиятларини ташкил этишга ижодий ёндашиш ҳамда мустақил билим ўрганиши кўнкимларини ривожлантиришга ёрдам беради. Мактаб адабиёт ўқитувчилари малакасини оширишни янгича ёндашув асосида ташкил этиш уларнинг касбий маҳоратларини ошириш билан бирга таълимий муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги фаол иштирокларини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимов С. Педагогические идеи Абу Али ибн Сина. Афтореф. дисс... канд. пед. наук. –Т., 1964. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. –Т.: «Ўқитувчи», 1967.
2. Ҳусанбоева Қ. П. Адабий таълим жараённида ўкувчиларни мустақил фикрларига ўргатишнинг илмий-методик асослари 13.ОО.02. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Илмий маслаҳатчи: Козоқбай Йўлдошев. педагогика фанлари доктори, профессор. Тошкент – 2006, 55-бет.

Улмас Рахматович Саидов – Тошкент ВПККТМОИ «Тил ва адабиёт таълими» катта ўқитувчиси, тел.: 440-14-27. E-mail: tvxtrxqtmoi@mail.ru

Мунира Бурхоновна Шодмонова – Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ аспиранти, тел.: 439-05-42.
Хаитова Олмахон – Навоий ДКИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, тел.: (+99890) 717-19-97.

ПОНЯТИЕ О НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЯХ ОБУЧЕНИЯ

Л. А. Коробейникова – профессор

Вологодского государственного
педагогического университета (Россия)

Ю. Д. Шевкопляс – ст. преподаватель

Вологодского государственного
педагогического университета (Россия)

Совершенствование технологий обучения занимает одно из важных направлений развития высшей школы, которые привлекли в последние два десятилетия особое внимание педагогов высших учебных заведений. Внедрение научно обоснованных и экспериментально проверенных нововведений в технологии обучения должно стать важным источником прогресса в подготовке специалистов, способствовать ломке не всегда оправданных в этом процессе, традиций.

На конференции ЮНЕСКО (1970 г.) технологии обучения впервые признаны в качестве научной дисциплины, являющейся составным элементом дидактики [1]. В решении коллегии Госкомвуза России от 6 апреля, 1994 г. «О технологиях обучения в высшей школе» [2] отмечено, что в условиях структурно-содержательной реформы высшего образования значительно возрастает роль подсистемы, обеспечивающей разработку и внедрение новых технологий обучения. В нем определены

приоритетные направления развития высшей школы:

- актуализация содержания и методов обучения за счет активного использования в учебном процессе результатов и технологий научного поиска;
- повышение на этой основе эффективности самостоятельной творческой работы студентов;
- внедрение в учебный процесс высоких интеллектуальных и новых информационных технологий, предусматривающих формирование знаний с целью получения нового интеллектуального продукта;
- создание психологически комфортной среды обучения, обеспечивающей академические свободы преподавателю и студенту в выборе форм и методов обучения;
- развитие технологий дистанционного обучения;
- создание системы маркетинга технических средств и технологий обучения.

Такое внимание к технологическому направлению структурно-содержательной реформы высшего профес-